ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯГА ОИД ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Бахтиёрбек Авазбекович Усмонов
Тошкент давлар юридик университети магистри

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Россия Федерацияси маъмурий юстицияга доир қонунчилик ва унинг таҳлилига бағишланган. Мақолада юстицияга оид қонунчиликнинг назарий ва амалий аҳамияти мисоллар ёрдамида ёритилган. Бундан ташқари Россия Федерациясида судлов шакллари ва суд жараёнида қўлланиладиган қонунлар ва улар асосида бериладаиган жазолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маъмурий юстиция, маъмурий суд, қонунчилик, судлов шакллари, судялар ҳайъати, маъмурий суд иши босқичлари

ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF ADMINISTRATIVE JUSTICE OF THE RUSSIAN FEDERATION

Bakhtiyorbek Avazbekovich Usmonov
Master of Tashkent State Law University

ABSTRACT

This article is devoted to the legislation of the Russian Federation on administrative justice and its analysis. The article illustrates the theoretical and practical significance of justice legislation with examples. In addition, the forms of trial in the Russian Federation and the laws applied in the judicial process and the penalties imposed on their basis are analyzed.

Keywords: administrative justice, administrative court, legislation, judicial forms, jury, stages of administrative proceedings

КИРИШ

Россия Федерациясида судлар бошқа давлат органлари, жумладан, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи органлардан мустақил тарзда ўз фаолиятини олиб боради. “Умумий судлар давлат органларини муайян ҳаракатларни амалга оширишга мажбурловчи қарорлар қабул қила оладилар, кўпгина давлатларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

маъмурий судлари эса бундай ваколатга эга эмаслар”. Россия суд шакли бошқа мамлакатлар судлов шаклларидан ўзининг умумий характерга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боисдан ҳам, бу судлов шакли нисбатан МДҲ мамлакатлари судлов шаклларига яқин ҳамда маъмурий суд ишини юритиш босқичлари ҳам бир-бирига жуда ҳам ўхшаш ҳисобланади.

2015 йил 8 мартда қабул қилинган Россия Федерацияси Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекс қабул қилинган. Ушбу кодекс мазмун жиҳатидан маъмурий иш, қонунчилик, процессуал қоидалар, судьялар мақоми каби саволларга жавоб топишда жуда муҳим саналади. Шуни ҳам инобатга олиш керакки, ушбу кодекс нисбатан ҳозирги замон шароитини инобатга олган ҳолда энг асосий қоидаларни ўзида мужассам этган. Ушбу кодекснинг мақсади бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларни ҳимоя қилишдан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Суд ушбу кодексда назарда тутилган тартибда бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлар ҳақидаги, фуқаро эркинлиги ва манфаатлари қонунийлиги ҳақидаги, ташкилотлар манфаати ҳуқуқлари ҳақидаги маъмурий ёки оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи маъмурий ишларни кўриб чиқади, шунинг баробарида қуйидаги низоларни ҳам кўриб чиқади:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар;

Давлат ҳокимияти органлари, ҳарбий бошқарув органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, давлат ёки муниципал хизматчилар томонидан чиқарилган қарорлар ва ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳақидаги ишлар;

Нотижорат ташкилотлар ҳамда ўзини ўзи бошқарувчи органлар томонидан чиқарилган қарорлар, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

Судьялар малака ҳайъати томонидан чиқарилган қарорлар, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

Россия Федерацияси фуқаросининг референдумда қатнашиш ёки сайлов ҳуқуқи тўғрисидаги ишлар ва қонунда назарда тутилган бошқа ишлар.

Россия Федерацияси Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекс билан белгилаб қўйилган ҳамда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ваколат жиҳатидан Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, арбитраж судларининг ваколатларига тегишли бўлган ишларнинг кўриб чиқилишига йўл қўйилмайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

Маъмурий суд процессида муомала лаёқати шахснинг ўз ҳаракатлари билан процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш, процессуал мажбуриятларни бажара олишга қодир бўлишликни англатади. Шахслар муомала лаёқатига кўра қуйидагича таснифланади:

16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар, муомала лаёқати чекланган шахслар. Улар маъмурий низолардан келиб чиқувчи маъмурий ишларда қонунда назарда тутилган ҳолларда иштирок этиши мумкин. Суд зарур деб топган ҳолларда ишда иштирок этиш учун ушбу шахсларнинг қонуний вакилларини ҳам жалб этиши мумкин.

Давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, сайлов комиссияси, жамоат бирлашмалари, диний ва бошқа ташкилотлар, шунингдек нотижорат ташкилотлар.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган жамоат ёки диний ташкилотлар;

18 ёшга етмаган шахслар, шунингдек муомала лаёқати чекланган шахслар, қонунга мувофиқ маъмурий ишларда иштирок эта олмайдиган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари суд процессида қонуний вакиллари орқали ҳимоя қилиниши кафолатланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлиги суд процессида қонуний вакиллари орқали амалга оширилади. Фуқаролиги йўқ шахсларнинг, чет эл фуқароларининг маъмурий ҳуқуқий лаёқатлари ҳамда лаёқатсизлиги уларнинг шахсий қонунлари орқали, халқаро шартномалар орқали белгиланади.

Маъмурий суд процессининг принциплари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

Судларнинг мустақиллиги;

Барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги;

Маъмурий ишларнинг кўрилишида қонунийлик ҳамда одиллик;

Маъмурий суд процессининг оқилона мудатда кўриб чиқилиши ҳамда маъмурий ижро актининг оқилона муддатда ижро этилиши;

Суд муҳокамасининг очиқлиги ҳамда шаффофлиги;

Суд муҳокамасининг бевосита ўтказилиши;

Маъмурий суд муҳокамасида томонлар тенг ҳуқуқлиги.

Ушбу принципларга мувофиқ, барча суд ишлари очиқ тарзда ўтказилади. Суд ишларининг ёпиқ шаклда ўтказилиши давлат сири ёки бошқа қонун билан қўриқланадиган сирлар бўлган ҳолларда йўл қўйилади. Шунингдек, суд ишларининг ёпиқ шаклда ўтказилишига ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси, иқтисодий сирлар мавжуд бўлган ишлар, маъмурий суд

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

ишларининг қоидага биноан ўтказилишига тўсиқ бўладиган шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда суд ишларни ёпиқ тарзда кўриши мумкин. Ишда иштирок этувчи ҳамда иштирок этмайдиган шахсларнинг суд ишининг ўтказиладиган жойи, куни, вақти, суд томонидан қабул қилинган қарор ҳақидаги оғзаки ёки ёзма маълумотнома, суд ҳал қиладиган иш ҳақидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар чекланиши мумкин эмас. Ҳар ким маъмурий суд мажлисида кўриб чиқилган қарор билан қонунда белгиланган тартибда танишиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Суд маъмурий иш бўйича барча далилларни бевосита амалга ошириши лозим. Маъмурий даъво тўғрисидаги аризалар давлат органига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига, сайлов комиссиясига, референдум комиссиясига, ташкилотга у жойлашган жой бўйича; мансабдор шахсга, давлат ёки муниципал хизматчисига эса у давлат органи жойлашган жой бўйича белгиланади. Россия Федерациясида доимий яшаш жойига эга бўлмаган ёки яшаш жойи номаълум бўлган чет эл фуқароси томонидан маъмурий даъво аризаси унинг мол-мулки жойлашган жой бўйича ёки унинг Россия Федерациясида охирги яшаш жойи бўйича берилади.

НАТИЖАЛАР

Бир неча судларга тегишли бўлган судловга тегишлилик қоидаси бўйича танлов қонун ҳужжатларига кўра даъвогарга берилади. Маъмурий ишни кўриш учун судьялар автоматик ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда, судьяларнинг ихтисослашуви ҳамда ишнинг оғирлигини инобатга олган ҳолда шакллантирилади. Бир нафар судья ёки судьялар гуруҳи томонидан кўрилиши бошланган иш ушбу судья ёки судьялар гуруҳи томонидан кўриб тамомланиши керак. Судьяларнинг алмашинуви қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Судьялар ўзини рад этиши ёки судьяларни рад этиш ҳақидаги ариза асосида;

Судьянинг узоқ муддатга касаллик, меҳнат таътили, ўқиш, хизмат сафарига чиқиши;

Федерал қонунларга мувофиқ судьяларнинг ваколатлари тугатилиши.

Маъмурий процессда судьяларнинг ёки судьянинг алмашинуви ишни кўришни бошидан бошланишига олиб келади. Маъмурий ишлар биринчи инстанцияда якка судья томонидан кўриб чиқилади, агар ишлар суд ҳайъати томонидан кўриб чиқилиши қонунда кўрсатиб ўтилмаган бўлса. Биринчи инстанцияда ишлар судьялар томонидан коллегиал тарзда кўрилганда, судьялар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

таркиби уч нафар таркибда шакллантирилади. Биринчи инстанция судида ишлар қуйидаги ҳолларда коллегиал тартибда кўрилади:

1. Россия Федерацияси Президенти ёки Ҳукумати томонидан чиқарилган актнинг ноқонунийлиги тўғрисидаги маъмурий иш;
2. Сайлов комиссиясини тарқатиш тўғрисидаги ишлар;
3. Биринчи инстанция судининг ишни коллегиал тартибда кўриш тўғрисидаги ишлар;
4. Россия Федерацияси Олий суди интизомий кенгаши томонидан кўриладиган маъмурий ишлар.

Апелляция инстанциясида иш коллегиал тартибда уч нафар судья иштирокида кўрилади. Маъмурий иш судьялар томонидан коллегиал тарзда кўриладиган тақдирда юзага келадиган саволлар судьялар кўпчилик овози билан ҳал этилади. Ҳеч бир судья овоз беришда бетараф қолиши мумкин эмас. Суд ишида раислик қилувчи охирги бўлиб овоз беради. Агар судья судьяларнинг кўпчилик овозига қарши фикрда бўладиган тақдирда, у ўз фикрини ёзма тарзда баён этишга ҳақли. Бу фикр ўқиб эшиттирилмайди. Суд маъмурий иш бўйича ўз қарорини иш ўтганидан 5 кун ичида баён этиши керак.

Маъмурий суд ишларида ишда иштирок этувчи сифатида қуйидаги шахслар қатнашади:

Тарафлар;

Манфаатдор шахслар;

Прокурор;

Бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб чиқувчи давлат органлари.

Судда тарафлар сифатида маъмурий даъвогар ҳамда маъмурий жавобгар қатнашади. Маъмурий давогар шахс сифатида судга ўз эркинлиги, қонуний манфаатлари, ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этган шахс тушунилади. Маъмурий даъвогар шахс сифатида Россия Федерацияси фуқароси, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс, миллий, хорижий, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, диний бирлашмалар ҳам бўлиши мумкин. Қонунда назарда тутилган ҳолларда, маъмурий даъвогар сифатида давлат ҳокимияти органлари ҳам қатнашиши мумкин.

Россия Федерацияси Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекс 27-моддасида суд томонидан маъмурий ишларни бошқа судларга юбориш қоидалари ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ, маъмурий иш суд томонидан тегишлилик масаласига амал қилган ҳолда қабул қилинади ҳамда у кўриб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

чиқилади, гарчи кейинчалик ушбу иш бошқа суднинг судловига тегишли бўлса ҳам. Суд қуйидаги ҳолларда ишни бошқа судга ошириши мумкин:

1. Илгари аниқланмаган маъмурий жавобгарнинг яшаш манзили энди аниқланган ҳолларда;

2. Суд ишни қабул қилиш жараёнида судловлилик қоидаларини бузган бўлса;

3. Бир ёки бир неча судьяларнинг рад қилиниши ёки улар бошқа бир сабаб билан суд ишини юрита олмаслиги оқибатида ушбу судда ишни кўриб чиқиш иложсиз бўлиб қолган ҳолларда.

Ишни бир суддан бошқасига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш суд ажримига мувофиқ амалга оширилади. Бир суддан бошқа судга йўналтирилган маъмурий иш суд томонидан кўриб чиқилиши лозим. Россия Федерациясида судловлилик масаласида тортишувга йўл қўйилмайди.

Маъмурий даъво аризаси суд томонидан қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

Маъмурий даъво аризаси суд иш юритувида кўришнинг имкони мавжуд бўлмаса, у бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлса;

Маъмурий даъво аризаси шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувчи органлар, мансабдор шахслар томонидан берилган бўлиб, кодекс ҳамда бошқа федерал қонунлар бўйича бундай ҳуқуқ кўрсатиб ўтилмаган бўлса;

Маъмурий даъво аризасида назарда тутилган низоли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки қарор, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида низо мавжуд бўлмай, балки ушбу акт ёки қарорлар орқали шахсларнинг бошқа ҳуқуқлари бузилиши мумкин бўлса;

Ушбу иш бўйича суд томонидан қонуний кучга кирган ҳукм мавжуд бўлса;

Ушбу кодексда назарда тутилган ишни рад этиш учун бошқа асослар мавжуд бўлса.

Шунинг билан бир қаторда айрим ҳолларда маъмурий шикоят аризасини қайтариши ҳам мумкин. Уларга қуйидагилар киради:

1. Жавобгар ушбу кодексда ўрнатилган низоларни ҳал қилиш тартиб – қоидаларига риоя этмаган бўлса;

2. Иш суд иш юритувига тегишли бўлмаса;

3. Маъмурий даъво аризаси процессуал муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

4. Маъмурий даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолашга ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

5. Ушбу судда ёки бошқа судда, шунингдек арбитраж судида айнан шу томонлар ўртасида айни бир предмет юзасидан қўзғатилган бошқа иш мавжуд бўлса;

6. Иш суд иш юритувига қабул қилингунига қадар аризани берган шахс уни қайтариб олган бўлса;

7. Маъмурий даъво аризаси ҳаракатсиз қолдирилганидан сўнг ундаги етарли бўлмаган далиллар ўз вақтида тўлдирилмаган бўлса;

8. Даъво аризасини қайтариш учун бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

Суд даъво аризаси ишда кўриб чиқиш учун тайёр деб ҳисобланганидан сўнг, ишни судда кўриш ҳақида ажрим чиқаради. Ушбу қарорда судда иштирок этувчи манфаатдор тарафлар, унда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳамда саволлар, иш кўриладиган жой ва вақти кўрсатилган бўлиши керак. Суд музокаралари оғзаки тарзда ўтказилади. Истисно ҳолларда суд мажлиси ёзма шаклда ҳам ўтказилиши мумкин. Маъмурий иш Олий суд томонидан иш келиб тушганидан сўнг, ишни суд муҳокамасига тайёрлашларни ҳам қўшиб ҳисоблаган ҳолда, 3 ойда кўриб чиқади, бошқа судлар томонидан эса 2 ойда кўриб чиқилиши лозим.

Нисбатан қийин бўлган маъмурий ишлар суд томонидан 1 ойга узайтирилиши мумкин. Агар шахс объектив сабабларга кўра суд мажлисида иштирок этишнинг имкони бўлмаса, суд маъмурий ишни тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш учун видеоконференция орқали ишни олиб бориши мумкин. Видеоконференция шахс жойлашган, яшайдиган ёки етиб келган жой орқали амалга оширилиши мумкин. Шахс видеоконференция орқали ишда иштирок этиши тўғрисида суд ажрим чиқаради.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Россия Федарациясида маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли амал қилиб, алоҳида маъмурий судлар мавжуд эмас. Лекин, оммавий-ҳуқуқий низолар алоҳида Маъмурий суд иш юритуви кодекси асосида ҳал этилади.

REFERENCES

1. Ғ.Т.Хакимов. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. Монография. − Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.125.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00892

2. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. от 31.07.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 11.08.2020) // http://www.consultant.ru /document/cons_doc_LAW_176147/376390c2e0b4d19fbd9ad25590e17fce8a5c2671/
3. Административное право зарубежных стран. Авт. коллектив. – М.: “Спарк”, 1996. – С. 65.
4. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. от 31.07.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 11.08.2020) // http://www.consultant.ru /document/cons_doc_LAW_176147/376390c2e0b4d19fbd9ad25590e17fce8a5c2671/
5. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. от 31.07.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 11.08.2020) // http://www.consultant.ru /document/cons_doc_LAW_176147/376390c2e0b4d19fbd9ad25590e17fce8a5c2671/
6. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. от 31.07.2020) (с изм. и доп., вступ. в силу с 11.08.2020) // http://www.consultant.ru /document/cons_doc_LAW_176147/376390c2e0b4d19fbd9ad25590e17fce8a5c2671/
7. Абознова О.В. Суд в механизме реализации права на судебную защиту в гражданском и арбитражном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юр ид. наук. — Екатеринбург, 2006. С. 23